

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКМАНИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ЎЗАРО МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА КЕЛИШИБ ОЛДИЛАР

15 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедов ва сайланган Президенти Сердар Бердимухамедов билан телефон орқали мулоқотлари бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Туркменистон томонини гоёта муҳим сиёсий тadbир – Президент сайлови муваффақиятли ўтказилгани, унда Сердар Бердимухамедов ишончли ғалаба қозонгани билан самимий табриклар, қардош Туркменистон халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва раҳнақ тилади.

Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини изчил мустаҳкамлашга қаратилган биргаликдаги ишлар давом эттирилишига ишонч билдирилди.

Икки томонлама муносабатлар кун тартиби ва минтақавий ҳамкорликнинг долзарб масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик ижобий суръат билан ривожланиб бораётгани мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йил якунлари бўйича ўзаро товар айирбошлаш ва юк ташиш ҳажмлари сезиларли даражада ошди. Чегарадош ҳудудлар ва етакчи корхоналар даражасида яқин алоқалар йўлга қўйилди. Саноат, транспорт, энергетика, қишлоқ ва сув хўжалиги соҳаларида аниқ кооперация лойиҳалари илгари сурилмоқда.

Бундан ташқари, икки мамлакат етакчилари парламентлар ўртасидаги фаол мулоқотни, шу жумладан, халқаро ташкилотлар доирасида давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар.

Бўлажак олий даражадаги тadbирлар режаси кўриб чиқилди.

ЎЗА

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### НУРОНИЙЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ- ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР ҚўШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР Тўғрисида

Ўтган даврда кексаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашни кучайтириш, уларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини яхшилаш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

Жумладан, соҳага оид 10 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди, нурунийларнинг ижтимоий фаолликларини қўллаб-қувватлаш мақсадида "Фахрий мураббий" ордени ва "Меҳнат фахрийси" кўкрак нишони таъсис этилди.

Кексалар учун 152 та туман ва шаҳарда "Нурунийлар маскани" мажмуалари ташкил этилди, барча ишловчи пенсионерларга пенсияларни тўлиқ миқдорда тўлаш йўлга қўйилди, вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда нурунийлар жамоатчиликлари кенгашлари, маҳаллаларда "Кексалар маслаҳати" гуруҳлари ташкил этилди, "Кексалар ҳафталиги" ва "Кексалар учун туризм ойлиги"ни ўтказиш анъанасига айланди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш мақсадида:

1. Белгилансинки, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги унга юклатилган асосий вазифа ва фаолият йўналишларидан келиб чиқиб, маҳаллаларда нуруний ва кексалар билан ишларни такомиллаштириш йўналишида куйидаги тadbирларни амалга оширади:

Давоми 2-бетда. ▶

## O'zbekiston Respublikasi Prezidentining

### Tibbiyotdagi islohotlar -

# INSON QADRI UCHUN

mavzusidagi ochiq muloqoti

## 18-MART



## ТАРИХДА БИРИНЧИ МАРТА

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ ЖОРИЙ ЙИЛ 18 МАРТ КУНИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИ ВАКИЛЛАРИ БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ЎТКАЗАДИ. БУНДАЙ ТАДБИР МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИДА ИЛК МАРТАБА ЎТКАЗИЛАЁТГАН БўЛИБ, УНДА СОҲАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, ТИЗИМИ МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ, ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ ТАКЛИФЛАРИ ЭШИТИЛАДИ. ОЧИҚ МУЛОҚОТГА ТАЙЁРГАРЛИК ДОИРАСИДА ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИ ВА АҲОЛИДАН 25 МИНГДАН ОРТИҚ МУРОЖААТ

ВА ТАКЛИФЛАР КЕЛИБ ТУШГАН. УЛАР ТАҲЛИЛ ҚИЛИНИБ, "ИНСОН ҚАДРИ УЧУН" ДЕГАН ЭЗГУ ҒОЯ АСОСИДА ЮРТИМИЗ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚИШ ВА ХАЛҚИМИЗГА ТИББИЙ ХИЗМАТ КўРСАТИШ САМАРАДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН КЕНГ ҚўЛАМЛИ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ. УЧАШУВДА СОҲАНИНГ БАРЧА БўҒИНЛАРИДАН 10 МИНГ НАФАРДАН ЗИЁД ХОДИМ ИШТИРОК ЭТИШИ КУТИЛМОҚДА.

### HAZOPAT-TAXLIL

ШУНДАЙ СОҲАЛАР БОРКИ, ЎЗИ БИЛАН ЎЗИ БўЛИБ ЮРАДИ, УНИНГ ИЧИДА НИМА ЖАРАЁН КЕТЯПТИ, ВА-ЗИФАЛАР ҚАНДАЙ – БИЛИШ ҲАММАГА ҲАМ ҚИЗИҚ ЭМАС. АММО ТИББИЁТ ЁШИДАН, КАСБИДАН, БОЙ ЁКИ КАМБАҒАЛЛИГИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ҲАММАНИ БИРДЕК ҚИЗИҚТИРАДИ, ЎЙЛАНТИРАДИ, БИР ХИЛ ПАЙТДА ХАВОТИРГА ҲАМ СОЛАДИ.

## ФРАКЦИЯ НАТИЖА УЧУН ИШЛАЙДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Халқ демократик партияси фракцияси ва Фуқароларнинг соғлигини сақлаш қўмитасининг қўшма йиғилиши бўлиб ўтди. Парламент қўйи палатаси ҳузуридаги Аҳоли саломатлигини мустаҳлаш борасидаги ислохотларни ҳаётга тadbик этиш бўйича парламент комиссияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган йиғилишда тиббиёт соҳасининг қўйи тизими учун белгиланган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масала муҳокама этилди.

Жорий йилнинг февраль ойида Халқ демократик партияси фракцияси ва бир гуруҳ депутатлар халқ депутатлари Кенгашлари билан бирга оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятини жойларга чиқиб ўрганиб қайтган эди.

Авалло таъкидлаш керакки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Фуқароларнинг соғлигини сақлаш қўмитаси, барча депутатлар зиммасига масъулият олиб, парламент ва депутатлик назоратини кучайтирмоқда. Хусусан, Халқ демократик партияси фракцияси аъзолари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партияимиз гуруҳлари билан ҳамкорликда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида олиб борилаётган ислохотлар, қабул қилинган фармон ва қарорларнинг жойлардаги ижросини жойларга бориб таҳлилий ўрганишни йўлга қўйди.

Давоми 3-бетда. ▶

## ОҚ ЭДИ, «ҚОРА» БўЛИБ ЮРДИ



БОЛАЛАР МЕҲНАТИ ВА МАЖБУРИЙ МЕҲНАТ КўП ЙИЛЛАР ОГИР ТАМҒА БўЛИБ КЕЛДИ. 2009 ЙИЛДА ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИШТИРИЛГАН ПАХТАГА НИСБАТАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН БОЙКОТ 2022 ЙИЛ 10 МАРТ КУНИ "COTTON COMPAIGN" ХАЛҚАРО КОАЛИЦИЯ ТОМОНИДАН БЕКОР ҚИЛИНДИ.

3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
ҚАРОРИНУРОНИЙЛАРНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ,  
УЛАРНИНГ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ОШИРИШГА ДОИР  
ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

маҳаллаларда “Бир нуруний ўн ёшга масъул” тамойилини қарор топтиришда ташаббускорлик кўрсатаётган ижтимоий фаол нурунийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш;

вазирлик ва идоралар, хўжалик бирлашмалари, ташкилий-ҳуқуқий шаклдан қатъи назар, корхона ва ташкилотлардаги **“Фахрийлар кенгашлари”, фуқаролар йиғинларидаги “Кексалар маслаҳати” гуруҳларининг фаолиятини мувофиқлаштириш;** меҳнат фахрийларининг **маҳаллаларда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш,** ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштиришдаги иштирокини кенгайтириш;

**“Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин” шиори остида** ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлган кексалар ва нурунийлар ҳолидан доимий хабар олиш тизимини ташкил қилиш ҳамда ижтимоий ҳимоя дастурлари доирасида давлат хизматлари кўрсатилишини таъминлаш;

**кексалар ва фахрийларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш мақсадида** “Нурунийлар маскани” мажмуаларида ва маҳаллаларда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш;

фуқаролар йиғинлари раисларининг **кексалар ва фахрийлар ишлари бўйича маслаҳатчилари** ва маҳаллалардаги бошқа жамоатчилик тузилмаларининг самарали фаолият кўрсатишини таъминлаш.

2. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев):

а) **икки ой муддатда** Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев) Республика Маънавият ва маърифат маркази (М.М.Ходжиматов) билан биргаликда **“Бир нуруний ўн ёшга масъул” тамойили асосида маҳаллаларда ҳаётини ва катта амалий тажрибага эга бўлган обрў-эътиборли нурунийлар ва зиёлиларни** ишсиз, тарбияси оғир ва муаммоларга ёшларга бириктириш орқали уларни жамият учун фойдали инсонлар бўлиб етиштиришга кўмаклашиш дастурларини ишлаб чиқсин.

Белгилансинки, маҳаллалардаги **ёшларнинг тарбияси ва ахлоқида бўлган ижтимоий ўзгаришлардан келиб чиқиб** нуруний ва зиёлилар Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармаси (кейинги ўринларда – Жамғарма) маблағлари ҳисобидан рағбатлантириб борилади;

б) фуқаролар йиғинлари томонидан нурунийлар ташаббуси ва тажрибасидан кенг фойдаланган ҳолда **“Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ободонлаштириш ва кўкчалдорлаштириш ишларини** амалга ошириш бўйича маҳаллаларнинг дастурлари қабул қилинишини таъминласин;

в) фуқаролар йиғинларида **“Кексалар маслаҳати” гуруҳларининг жамоатчилик назорати** йўналишидаги фаолиятини самарали ташкил этсин.

Бунда, маҳаллаларда аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматлар, мактабларда ўқувчиларнинг дарсларни ўзлаштириши, давомати, бандликка кўмаклашиш марказлари томонидан фуқароларни иш билан таъминлаш даражаси ва бошқа давлат хизматларининг кўрсатилиши бўйича нурунийларнинг жамоатчилик назорати ўрнатилди.

3. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги ва Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг **ҳодимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш тартибини тақиқлаш** тўғрисидаги тақлифига розилик берилсин.

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги (Н.Б.Хусанов) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** ҳодимнинг пенсия ёшига тўлганлиги муносабати билан иш берувчининг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишни тақиқлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

4. Белгилансинки, **2022 йил 1 апрелдан бошлаб:**

а) Жамғарма маблағлари ҳисобидан ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳар йили бир мартаба **санаторийларда бепул соғломлаштирилади;**

б) Жамғарма маблағлари ҳисобидан шариити оғир ва кам таъминланган кексаларга шифокорларнинг рецептларига асосан **3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситалари, тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламалари** олиб берилади ҳамда жарроҳлик амалиётларининг харажатлари қопланади;

в) Жамғарма маблағлари ҳисобидан **оғир ташхисли касалликлари ҳамда ногиронлиги бўлган** кексаларга шифокорларнинг рецептларига мувофиқ, **3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб дори воситаларининг 50 фоизгача бўлган суммаси компенсация қилинади.**

Бунда, дори воситаларининг рўйхати Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилади ҳамда Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг қарори қабул қилинган кундаги дори воситаларининг тегишли **суммаси компенсация қилинади;**

г) Жамғарма маблағлари ҳисобидан кексаларнинг жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасаларда (стадион, спорт заллари, бассейн ва бошқа спорт мажмуалари) **жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланишлари учун** абонемент харажатлари қопланади.

Бунда, абонемент харажатларининг бир ойлик суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг **2 бараваридан ошмаган ҳолда** спорт йўналишидаги муассасаларнинг ҳисоб рақамига ўтказиб борилади;

д) Жамғарма маблағлари ҳисобидан давлат театрлари ва музейларида кексалар учун **чипта нархлари тўлиқ қоплаб берилади.**

Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) билан биргаликда **бир ой муддатда** мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирларни Жамғарма маблағлари ҳисобидан молиялаштириш ва маблағ ажратишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда қабул қилинишини таъминласин.

5. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Туризм ва маданий мерос вазирлиги (У.А.Азамат) билан биргаликда:

кексаларнинг республикамиздаги **диққатга сазовор жойларга сайёҳлик сафарларини** ташкил этиш мақсадида Жамғармага ажратилган маблағлар ҳисобидан иккита замонавий автобус харид қилсин; сайёҳлик сафарларини уюштириш бўйича тарихий шаҳарлар ва диққатга сазовор жойларнинг рўйхатини шакллантирсин ҳамда туманлар (шаҳарлар) кесимида автобуслар қатновлари графигини тасдиқласин.

2022 йил учун графикада белгиланган сафарларни уюштириш жойи, вақти ҳақида оммавий ахборот воситалари ва ахборот тарқатишининг бошқа манбалари, шу жумладан, “Нуруний” электрон платформаси орқали **ҳудудлар аҳолисини камида уч ой олдиндан хабардор қилиш тизимини йўлга қўйсин.**

6. 2022 йилда Жамғарма маблағларининг амалда ўзлаштирилишига қараб Давлат бюджетидан **50 миллиард сўм** ажратилсин.

Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлигининг асосланган ҳисоб-китобларига мувофиқ келгуси йилларда Жамғарманиннг асосий вазифаларини амалга ошириш учун зарур маблағларнинг Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.

7. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (Ш.Х.Шерматов) билан биргаликда:

а) **2022 йил 1 октябрда** қадар Жамғарманиннг “Нуруний” электрон платформаси ва ягона электрон базаси фаолиятини йўлга қўйсин ҳамда Жамғарманиннг фаолият тўғрисидаги батафсил маълумотларнинг платформада жойлаштириб борилишини ва оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

Белгилансинки:

Жамғарма маблағларининг сарфланиши, шу жумладан, маблағ олувчилар ва хизматлардан фойдаланганлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ва уларнинг ижроси тўғрисидаги маълумотлар белгиланган тартибда ҳисобот қорағи якуни билан Жамғарманиннг **расмий веб-сайтга жойлаштириб борилади;**

Жамғарма ўз маблағларининг сарфланишига оид масалаларни муҳокама қилишга кенг **жамоатчиликни жалб қилган ҳолда** ўз фаолиятининг аудиторлик текшируви натижалари ҳисоботини **оммавий ахборот воситаларига тақдим этиб боради;**

б) **2022 йил 1 сентябрда** қадар бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси билан ҳамкорликда кексаларга оид маълумот ва янгиликларни уларнинг мобил телефон рақамларига **SMS-хабарнома юбориш орқали маълум қилиб бориши**ни ташкил қилсин;

в) **2022 йил 1 декабрда** қадар Жамғарманиннг ягона электрон маълумотлар базасига

кексаларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббий-ижтимоий хизматлар бўйича тезкор муурожаат қилиш каби масалалар киритилишини таъминласин;

г) **2023 йил 1 январга қадар** “Нуруний” электрон платформасини бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг пенсия ва нафақа олувчиларининг электрон маълумотлар базаси, “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” ҳамда “Ижтимоий хизмат” электрон платформаси билан интеграция қилиш чораларини кўрсин.

8. **2022 йил 1 майдан бошлаб ижтимоий ёрдам кўрсатиш хизмати ҳодимлари** ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар томонидан Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлигининг “Call-маркази”га қилинган муурожаатлар асосида қуйидаги хизматларни кўрсатади:

а) **ахборот-сервис хизмати:** оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар шифокорларининг **кўригига ёздириш, уларни уйга кўриқдан ўтишга чақиртириш;**

Жамғарма хизматларидан **фойдаланиш учун буюртма бериш,** рўйхатдан ўтиш ва буюртманиннг ҳолатига аниқлик киритиш;

Жамғарма томонидан **ташкил этиладиган профилактик, тиббий даволанишлар ва сайёҳлик сафарлари** бўйича маълумотлар олиш;

жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш учун **жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги муассасалар (стадион, спорт заллари, бассейн ва бошқа спорт мажмуалари)** тўғрисида маълумотлар олиш; маданий ҳордиқ чиқариш мақсадида **кинотеатрлар, театрлар, музейлар ва бошқа маданий тадбирлар** тўғрисида тўлиқ маълумотлар олиш;

б) **уйда хизматларни кўрсатиш:**

Жамғарма томонидан кўрсатиладиган хизматлар доирасида **дори воситалари, протез-ортопедия мосламалари ва кресло-аравачаларни уйга етказиб бериш;**

шифокорлар рецептларига асосан ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахсларга уларнинг маблағлари ҳисобига **дори воситаларини олиб келиш** ҳамда оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникаларнинг шифокори кўригидан сўнг тиббий кўрик маълумотларини етказиш;

кутубхоналарга аъзо бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшайдиган кексалар ҳамда ногиронлиги бўлган шахслар учун **китоблар, журналлар, газеталар ва бошқа нашрларни етказиш.**

9. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.А.Хаджаев), Маданият вазирлиги (О.А.Назарбеков) билан биргаликда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг телеканаллари орқали Жамғарманиннг молиявий кўмаги асосида кексалар учун қуйидаги мазмундаги **кўнгилочар-маърифий кўрсатувлар ва видеороликлар эфирга узатилишини** ташкил қилсин:

а) **“Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”** телекўрсатувининг ҳар ойда камида иккита янги сони.

Бунда, кўрсатув мазмунан бойитилган ҳолда оилаларни мустаҳкамлаш, **миллий ва умуминсоний кадриятларни асраб-авайлаш, Ватанга муҳаббат руҳида** тасвирга олинади;

б) **“Нурунийлар маслаҳати”, “Маҳаллада гурун” ва “Ёшлар нурунийлар нигоҳида”** руқни остида **обрў-эътиборли кекса авлод вакилларининг бой ҳаётий тажрибасига** бағишланган маърифий телекўрсатувларнинг ҳар қанлиқ сони;

в) замонавий тўлов воситаларидан ва банк хизматларидан фойдаланиш ҳамда **молиявий савдоноликни ошириш, уй шароитида деҳқончилик, чорвачилик, паррандачилик, кўчатчилик, гулчилик каби фаолият турларини йўлга қўйиш** ҳамда хунармандчилик, касаначилик ва томорқа ер майдонларидан самарали фойдаланиш бўйича қисқа метражли видеороликлар.

10. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра барча давлат бошқаруви органларида ҳар йили икки марта мазкур ташкилотларда узоқ йиллик тажрибага эга бўлган, шу жумладан, раҳбарлик лавозимларида фаолият кўрсатган **кекса авлод вакиллари билан вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари иштирокида “Кекса авлод учрашувлари”** мавзусида маслаҳат суҳбатлари ташкил этиб борилади.

Белгилансинки, маслаҳат суҳбатлари вазирлик ва идораларнинг мутасадди ҳодимлари иштирокида ташкилотнинг **сўнгги йиллардаги фаолияти натижалари,**

**истиқболдаги режалари ҳамда узоқ муддатли стратегик кўрсаткичлари** бўйича муҳокамали тарзда ташкил қилинади.

11. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги (А.Х.Тошқулов) Халқ таълими вазирлиги (Б.О.Саидов), Ёшлар ишлари агентлиги (А.З.Саъдуллаев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **2022 йил 1 апрелдан бошлаб** доимий равишда:

а) олий таълим, ўрта махсус, профессионал таълим муассасалари ва мактабларда ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятларни хурмат қилиш руҳида тарбиялаш мақсадида ҳаётий тажрибага эга бўлган **нурунийлар билан чиққ давра суҳбатларини, шу жумладан, видеоконференция тарзида ташкил этиш;**

б) ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ёлғиз яшовчи кексаларни маънавий-руҳий ҳамда психологик қўллаб-қувватлаш мақсадида **жойлардаги давлат органлари ва муассасаларнинг маалаки психологлари, фаол ёшлардан иборат бўлган волонтерлик гуруҳларини** ташкил қилиш.

Бунда, волонтерлик гуруҳлари томонидан **ҳар икки ойда камида бир мартаба** ўзгаларнинг парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексаларнинг ҳолидан хабар олиш масалаларини **мувофиқлаштиришга ёшлар етакчилари шахсан масъул ҳисобланади.**

12. Қуйидагилар:

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармасининг марказий аппарати тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб-қувватлаш “Нуруний” жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги бўлимлари тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Кексаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражаси ва ижтимоий фаолликларини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар режаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Жамғарманиннг марказий аппарати ва ҳудудий бўлимларини сақлаш билан боғлиқ харажатлар Жамғарманиннг шакллантирилган ўз маблағлари ҳисобидан қоплаб борилади.

13. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (С.Т.Турдиев) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И.Норқулов), Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Б.А.Мусаев) ва бошқа мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда **2022 йил 1 сентябрда қадар** халқро тажрибадан келиб чиқиб, мамлакатимизда **фаол қариш индексини жорий этиш** юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

14. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги нурунийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг турмуш даражасини ошириш юзасидан ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари босма ва электрон ахборот воситаларида, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали аҳоли ўртасида мунтазам, тизимли ва кенг қўлама ёритиб борилишини таъминласин.

15. Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгаришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

16. Мазкур қарор ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирининг биринчи ўринбосари С.Т.Турдиев, соғлиқни сақлаш вазири Б.А.Мусаев ҳамда Тиббий-ижтимоий хизматларни ривожлантириш агентлиги директори А.К.Инаков белгилансин.

17. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ижрочи ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Т.А.Худайбергенов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига 2022 йил 1 августга қадар ахборот берилсин.

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 15 март

16-mart, chorshanba, 2022-yil.  
№11 (32705)


## ОҚ ЭДИ,

## «ҚОРА» БЎЛИБ ЮРДИ

БОЛАЛАР МЕХНАТИ ВА МАЖБУРИЙ МЕХНАТ КЎП ЙИЛЛАР ОҒИР ТАМҒА БЎЛИБ КЕЛДИ. 2009 йилда ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИШТИРИЛГАН ПАХТАГА НИСБАТАН ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН БОЙКОТ 2022 йил 10 март кунини "COTTON COMRAIGN" ХАЛҚАРО КОАЛИЦИЯ ТОМОНИДАН БЕКОР ҚИЛИНДИ. БУ ХАЛҚИМИЗ ШУНИНГДЕК, ДАВЛАТИМИЗ УЧУН ҲАМ, ҲЕЧ ШУБҲАСИЗ, ТАРИХИЙ КУН БЎЛДИ. БУНИНГ КАТТА ЮТУҚЛИГИНИ, ОРТИДА НЕЧА ЙИЛЛИК МАШАҚҚАТ ВА МЕХНАТ, АСОСИЙСИ, ПРЕЗИДЕНТИНИНГ КАТЪИЙ СИЁСИЙ ИРОДАСИ ТУРГАНИНИ КЎПЧИЛЛИК БИЛАДИ. БОЙКОТНИ БЕКОР ҚИЛИШДА "COTTON COMRAIGN" ХАЛҚАРО КОАЛИЦИЯСИНИНГ ЕТАКЧИ ҲАМКОРИ БЎЛГАН «ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА ЎЗБЕК ФОРУМИ» ТОМОНИДАН 2021 йилда ПАХТА ТЕРИМИ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН МУСТАҚИЛ МОНИТОРИНГ НАТИЖАЛАРИ АСОС ҚИЛИБ ОЛИНГАН. ҲИСОБОТДА ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИГАН МАЖБУРИЙ МЕХНАТ ҲОЛАТЛАРИ АНИҚЛАНМАГАНИ ҚАЙД ЭТИЛГАН.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ БУ ТАРИХИЙ ВОҚЕАГА ЭНГ ҚИСҚА ВА ТУШУНАРЛИ ИЗОҲ БЕРДИ: "НЕЧА ЙИЛЛАРДАН БЕРИ МАНФААТ КЎРМАДИК. ПАХТАМИЗ ЎЗИ ОҚ ЭДИ, ЛЕКИН "ҚОРА" БЎЛИБ ЮРДИ. ГЎЁКИ ЎЗИДАН ЎЗИ БЎЛДИ ДЕБ ЎЙЛАШАДИ, АММО ҚАНЧА ҚИЙНАЛДИК. СИЁСИЙ ИРОДА БЎЛМАГАНДА, БУЛАР БЎЛАРМИДИ? БУ КУРАШ. КЕЧА ТЕЛЕВИЗОРДА КЎРСАТЯПТИ, ТУШУНГАН ОДАМ, ҚАДРИГА ЕТГАН ОДАМ ЙИҒЛАДИ, ХУРСАНД БЎЛИБ. БУ МИЛЛАТИМИЗНИНГ ҚИЙМАТИ".


УШБУ ВОҚЕЛИК ҲАҚИДА КЎПЛАБ ХАЛҚАРО НАШРЛАР ҲАМДА МУТАХАССИСЛАР ЎЗ ФИКР-МУЛОҲАЗАЛАРИНИ БИЛДИРМОҚДА.



Халқаро  
Меҳнат  
Ташкилоти расмий  
саҳифасида  
Ўзбекистон  
пахтасига  
нисбатан Cotton  
Campaign  
бойкотининг  
бекор қилиниши  
олқишланди.

## ILO welcomes lifting of Cotton Campaign boycott of Uzbekistan

Agricultural and economic reforms have led to the eradication of systemic child labour and forced labour in Uzbekistan's cotton harvest.



FOREIGN  
POLICY  
САЙТИДАГИ  
МАҚОЛАДА  
"ТРАНСМИЛЛИЙ  
КОМПАНИЯЛАРНИ  
ЎЗБЕКИСТОН  
ПАХТАСИ  
ВА УНДАН  
ОЛИНАДИГАН  
МАҲСУЛОТЛАРНИ  
ХАРИД  
ҚИЛИШНИ ҚАЙТА  
БОШЛАШГА  
УНДАШ КЕРАК",  
ДЕЙИЛАДИ.

Benнет ФРИМАН,  
"Cotton Campaign" халқаро коалицияси раҳбари:

Ўзбекистонда сўнги йиллардаги ислохотлар натижасида мутлақо янги муҳит шаклланди. Пахта-ийғим терими мавсумида мажбурий меҳнатдан фойдаланмаётгани ва унга тўлиқ барҳам берилгани нафақат бизнинг коалициямиз, балки фуқаролик жамияти вакиллари ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан ҳам эътироф этилмоқда.

Биз Президент Мирзиёевнинг мажбурий меҳнатга барҳам бериш ва Ўзбекистон пахта секторини ислох қилиш учун зарур бўлган тарихий ислохотлар ва амалга оширишдаги ташаббусини юқори баҳолаймиз. Энди биз Ўзбекистон ҳукумати фуқаролик жамияти учун майдон очишга ҳамда глобал брендларни жалб этадиган, меҳнат ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган масъулиятли етказиб берувчилар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун зарур бўлган қулай муҳитни яратишга қақирамиз.

\*\*\*  
Патрисия ЮРЕВИЧ,  
Responsible Sourcing  
Network бош директори:  
— Сўнги 12 йил давомида юзлаб компанияларни ўзбек пахтасидан воз кечишга ундаганимиздан сўнг, биз Ўзбекистон пахтасига нисбатан бойкот мажбуриятини бекор қилиш вақти келганини эълон этишдан мамнунмиз. Энди компаниялар ўзлари меҳнат ҳуқуқларига риоя этишни баҳолашлари ва Ўзбекистондан пахта сотиб олиш бўйича қарор қабул қилишлари керак".

\*\*\*  
Эллисон ГИЛЛ,  
Cotton Campaign бошқарув  
қўмитаси аъзоси, «GLJ-ILRF  
мажбурий меҳнат дастури»  
директори:  
— Бугун биз учун тантанали кун, асосийси, бизнинг адолатли ва инсонпарвар саноатни ривожлантиришга ёрдам беришга қаратилган фаолиятимиз давом этмоқда. Биз етказиб берувчилар ҳамда брендлар билан биргаликда меҳнат амалиёти бўйича ҳақиқий шаффофликка эга бўлган, ишчилар ҳуқуқларига сармоя киритиш ва юқори меҳнат стандартларини сақлаб қолиш мумкин бўлган янги турдаги таъминот занжирини яратиш имкониятига эгамиз.  
Брендлар ишлаб чиқарувчиларини энг паст нархлар учун рақобатлашишга мажбурлаш лозим.

ЎЗБЕК  
ПАХТАСИГА ЎН  
ЙИЛЛИК БОЙКОТ  
ТУГАГАНИ ҲАҚИДА  
ХАБАР БЕРИЛДИ,  
THE BUSINESS OF  
FASHION РАСМИЙ  
САЙТИДА.

## Decade-Long Uzbek Cotton Boycott Ends



## НАЗОРАТ-ТАҲЛИЛ

## ФРАКЦИЯ НАТИЖА УЧУН ИШЛАЙДИ

Ўрганиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 ноябрдаги "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонининг 4-банди ижроси, яъни 2021 йилда ташкил этилиши белгиланган 100 та оилавий шифокорлик пункти (ОШП), 28 та оилавий поликлиниканинг (ОП) фаолиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Йиғилишда ўрганиш натижалари бўйича Халқ демократик партияси фракцияси ва Фуқароларнинг соғлиқни сақлаш қўмитаси аъзоси Қизилгул Қосимова атофлида маълумот берди.

Президентимизнинг "Тиббиёт ходимлари бизнесинг саломатлигини пазобонларидир. Уларга халқ ишонини, улар эса халқни ишонтира олиши керак", деган сўзлари соҳадаги ислохотларни бутунлай янги bosқичга олиб чиқишга асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди.

Бугун юртимиз тиббиётидаги ижобий ўзгариш ва янгилашларни мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси ўз ҳаётида, турмуш тарзида чуқур ҳис этмоқда. Бирламчи тиббиёт бўғини касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айланмоқда.

Тиббиётнинг бирламчи бўғини аҳоли саломатлигини сақлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда бекиёс ўринга эга. Бирок, тан олиш керак, мамлакатимизда яқин-яқингача тиббиётнинг мазкур бўғинида беморларга тиббий хизмат кўрсатиш сифатининг

пастлиги соҳадаги энг оғриқли муаммолардан бири бўлиб келган, деди Қизилгул Қосимова.

Хусусан, ўтган йиллар давомида юртимиздаги ўлим ҳолатларининг 60 фоизи ана шу бўғиндаги камчиликлар, масалан, юрак-қон томир касалликларига ўз вақтида тўғри ташхис қўя олмаслик ҳолатлари туфайли содир бўлгани, онкология йўналишидаги беморларнинг ярмида хасталик иккинчи ва учинчи bosқичга ўтиб бўлганидан кейин аниқлангани мазкур тизимнинг ўз вазифасини бажара олмаганидан далолат беради.

Шифокорларга яратилган шароит билан иш ҳажми мутаносиб эмаслиги, хусусан, 146 турдаги касалликка диагноз қўйиш ва даволаш, 213 турдагисига бирламчи диагноз қўйиш ва йўлланма бериш, шунингдек, реабилитация, диспансеризация ва профилактика бўйича жуда кўп вазифалар юклатилгани тизимдаги аксарият муаммоларга сабаб бўлган.

Шу боис, мамлакатимизда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатишнинг сифати, самарадорлиги ва оммабоплигини ошириш, тиббиёт ходимларининг жамиятдаги ўрни ва мақомини кучайтириш мақсадида Президентнинг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. Биргина ўтган йилнинг ўзида тиббий хизмат сифатини оширишга қаратилган 20 дан ортқ фармон ва қарорлар қабул қилинди.

Уларга кўра, умумий амалиёт шифокори мутахассиси оилавий шифокор, қишлоқ врачлик пункти оилавий шифокорлик пункти деб, қишлоқ ва шаҳар оилавий поликлиникаси эса оилавий поликлиника, деб қайта номланди ва фаолияти янги bosқичга кўтарилди. Ушбу мутахассисларга ёрдам бериш учун терапия,

педиатрия, акушерлик ва патронаж бўйича тиббиёт бригадалари ташкил этилди. Мазкур бригадалар ўзларига бириктирилган оилалар кесимида "тиббий харита"лар шакллантириб, манзилли иш олиб бориши белгиланди.

Бу орқали тиббиётнинг бирламчи бўғини тўғридан-тўғри бемор билан ишлайдиган, касалликларни эрта аниқлайдиган ва даволайдиган тизимга айлантирилмоқда. Соҳага бюджетдан 21 триллион сўм (давлат бюджети харажатларининг 12,7 фоизини ташкил этади), яъни 2017 йилга нисбатан 3 баробар кўп маблағ ажратилди. Бунда бирламчи тизимга — амбулатор хизмат учун 5 трл. 873 млрд. сўм ажратилган.

Мониторинг даврида аниқланишича, 100 тадан 96 та оилавий шифокорлик пункти ишга тушган бўлиб, қолган 4 таси ишга туширилмаган. Хусусан, Қорақалпоғистон республикасида 2 та — Бўзотан тумани "Ақ еден" оилавий шифокорлик пункти ҳамда Мўйноқ тумани "Қизил жар" оилавий шифокорлик пункти фаолияти йўлга қўйилмаган. Шунингдек, Андижон вилояти Асака туманидаги "Меҳнатобод", Наманган вилояти Чортоқ туманидаги "Соз-сой" оилавий шифокорлик пункти турли сабаблар билан ишга тушмаган.

Режалаштирилган 28 та оилавий поликлиниканинг 27 таси ишга туширилган бўлиб, 1 тасининг (Наманган вилояти Давлатобод туманидаги 17-оилавий поликлиника курилиши ишлари охирига етказилмаганлиги сабабли) фаолияти йўлга қўйилмаган.

Оилавий поликлиникаларнинг 13 таси таъмирланган, 14 таси таъмирталаб ҳолатда бўлса, оилавий шифокорлик пунктларининг 56 таси

таъмирланган, 36 таси таъмирталаб ҳолатда, 4 тасида эса курилиш ишлари якунланмаган. Оилавий поликлиникаларнинг 8 таси тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланган, 20 таси қисман, оилавий шифокорлик пунктларининг 33 таси тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланган, 63 тасида тиббий асбоб-ускуналарга эҳтиёж бор.

Ўрганилган тиббиёт муассасаларининг қарийб 50 фоизиди кадрларга эҳтиёжи борлиги маълум бўлган.

Депутатлар ўрганишлар давомида аниқланган бошқа ҳолатлар бўйича мутасаддиларга савол ҳамда фикр-мулоҳазалар билан мурожаат қилишди.

Қўшма йиғилишда соғлиқни сақлаш соҳасининг қуйи тизимига амалга оширилаётган муҳим ишлар эътироф этилган ҳолда, аниқланган камчиликларни саъй-ҳаракатларни бирлаштириш орқали бартараф этиш кераклиги таъкидланди.

Турли сабаблар билан фаолияти йўлга қўйилмаган оилавий шифокорлик пунктлари ва оилавий поликлиникалар фаолиятини самарали ташкил этиш, парламент ва депутатлик назоратини кучайтириш бўйича чоралар белгиланди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Халқ демократик партияси фракцияси раиси Улуғбек Иноятов бу йиғилиш дастлабки муҳокама эканини, ҳали жараён мутасадди вазирлик-идоралар, маҳаллий ҳокимликлар, халқ депутатлари Кенгашларини фаол жалб этган ҳолда, изчил тус олишини таъкидлади.

Аҳмад ҚУРБОНОВ,  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

Ўзбекистон учун икки қитъани боғловчи кўприк сифатида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш, жаҳон бозорига ўз маҳсулотлари, хизматлари билан чиқиш учун катта имконият яратади.

16-mart, chorshanba, 2022-yil.  
№11 (32705)

## ЗАМОНАВИЙ БҮЮК ИПАК ЙЎЛИ:



# ДУНЁ ТАРАҚҚИЁТИ, ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ БИЛАН ҲАМҚАДАМЛИК



**Улуғбек ВАФОВЕВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутаты,  
Ўзбекистон ХДП фракцияси  
аъзоси:**

— Янгиланаётган Ўзбекистон учун самарали логистика тизимини ташкил қилиш жуда муҳим, стратегик масалалар. Тарихга назар солсак, Ўзбекистон ҳудуди асрлар давомида Европа ва Осиёни боғловчи Буюк ипак йўлининг маркази бўлиб келган. Вақт ўтиши билан денгиз транспортининг ривожланиши, юксалиш нукталарининг Европа ва Америка қитъаларига кўчиши ҳамда бошқа кўплаб омиллар сабаб ушбу савдо-сотиқ йўлининг аҳамияти пасайган.

Бугунги кунга келиб Осиё давлатлари шиддат билан ривожланмоқда, уларнинг жаҳон бозоридagi ўрни, мавқеи тобора ошиб бормоқда. Дунё аҳолисининг салмоқли қисми истиқомат қилаётган Хитой ва Ҳиндистоннинг ривожига эса янги, замонавий Буюк ипак йўлига эҳтиёжни кучайтирмоқда. Бу Буюк ипак йўлининг қоқ марказида жойлашган ва жадал ривожланаётган Ўзбекистон учун икки қитъани боғловчи кўприк сифатида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш, жаҳон бозорига ўз маҳсулотлари, хизматлари билан чиқиш учун катта имконият яратади.

Мамлакатда аҳоли даромадини ошириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқариш, уни ташқи бозорларга етказиш орқали кўп томонлама ташқи савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантиришда транспорт логистикаси тизимининг ўрни муҳим аҳамиятга эга.

Самарали логистика тизими ташқи бозорда маҳсулот ҳаракатини оптималлаштириш орқали товар ва хизматларнинг харидорлар учун сифатли, арзон нархларда етказилишини таъминлайди. Бу эса ташқи бозорда мамлакатнинг иқтисодий рақобатбардорлигини ошириб, жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувига ижобий таъсир қилади. Шу билан бирга, логистика тизимидаги кичик узиллишлар ишлаб чиқаришдаги катта йўқотишларга олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда логистика тизими нафақат иқтисодиётни юксалтирувчи ёрдамчи тармоқ, балки иқтисодиёти ривожланган ҳамда қулай шaroитда жойлашган мамлакатларнинг асосий даромад манбаига ҳам айланиб бормоқда. Жаҳон иқтисодиётида логистика тизимига жами янги маҳсулотнинг қарийб тўртдан бир қисми тўғри келмоқда.

Ўзбекистон логистикаси мустақилликкача ва мустақиллик даврининг бошларида фақатгина ички бозор имкониятларига йўналтирилган эди. Тизим шундан келиб чиқиб, корхоналар ўртасида горизонтал равишда ривожланиб бори. Бунда корхоналар ўртасида товар етказиш сифатини оширишга ва маҳсулотни энг кам харажатлар билан етказиб беришга асосий эътибор қаратилди. Шу даврларда мамлакатимиз халқаро транспорт алоқаларида фақат шимолӣ йўлақдан фойдаланиб, жанубий, ғарбий ва шарқий халқаро транспорт йўлақларига

автомобиль, темир йўл, ҳаво транспорти билан чиқиш имконияти йўқ эди.

Кейинги йилларда замонавий йўл-транспорт инфратузилмасини шакллантириш, дунё бозорларига янги йўллар очиш, чет мамлакатлар билан боғлайдиган илғор транспорт коммуникацияси тармоқларини яратиш бўйича самарали ишлар қилинди. Натижалар ўзaro таққосланганда, охириги йиллардаги кўрсаткичлар яққол кўзга ташланади. Мисол учун, 2005 йил темир йўл, ҳаво, автомобиль транспортларида жами юк ташувлар ҳажми 242 миллион тоннани, 2014 йилда 484,9 миллион тоннани ташкил этган бўлса, 2021 йилда 1,45 миллиард тоннага етди. Бошқача айтганда, охириги йилларда жами юк ташувлари ҳажми қарийб уч баробар ўсган.

### БУНДАЙ ЎСИШ ҚАЕРДАН КЕЛДИ ВА НИМАНИ АНГЛАТАДИ?

Очиқлик, дўстлик ва яхши қўшничилик сиёсати, барча давлатлар билан ўзарo манфаатли савдо-сотиқ ва иқтисодий алоқалар мустаҳкамланиши мамлакатимиз логистика тизими ривожланишига катта туртки бўлди.

Экспорт фаолиятини либераллаштириш ва соддалаштириш, экспорт таркиби ва географиясини диверсификация қилиш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларнинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада халқаро иқтисодий муносабатларда Ўзбекистоннинг ўрни ва аҳамияти ортиб борапти.

### ИҚТИСОДИЁТИМИЗ “ҚОН ТОМИРЛАРИ” КЕНГАЙМОҚДА

Давлатларaro дўстлик алоқалари мустаҳкамланиши, шунингдек, тузилаётган янги шартномалар логистика ривожини учун катта имкониятлар яратмоқда. Бунда иқтисодиётимизнинг асосий қон томири ҳисобланган ягона темир йўл тармоғини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Масалан, бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Мозори Шариф – Кобул – Пешавор ва Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон транспорт ва транзит йўлақларини яратиш борасида кенг қўламли ишлар олиб бориламоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 3-4 март кунлари Покистонга расмий ташрифи доирасида икки давлат ўртасида Стратегик шериклини ривожлантириш бўйича қўшма декларация имзоланиши Мозори Шариф – Кобул – Пешавор темир йўли қурилишида яна бир муҳим қадам бўлди. Бу Ўзбекистон ва Ўрта Осиё мамлакатларига дунё океанига чиқишга энг яқин йўл бўлиб, Жанубий Осиё темир йўли тизимини Марказий Осиё ва Евроосий темир йўллари билан узвий боғлайди. Европа ва Осиё қитъаларини энг қисқа қуруқлик йўли билан боғлайдиган кўприк сифатида Ўзбекистоннинг транзит салоҳиятини оширади. Жумладан, лойиҳани амалга ошириш натижасида Покистондан Ўзбекистонга юкларни ташиниш муддати ҳозиргидек 35 кун эмас, балки 3-5 кунни ташкил қилади, юк ташиниш нархи пасаяди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур халқаро темир йўлни қуриш орқали контейнерларни ташиниш нархи қарийб уч баробар арзонлашади.

Лойиҳанинг аҳамиятли яна бир жиҳати шуки, Афғонистонни Марказий ва Жанубий Осиёни боғлайдиган кўприк сифатида қўллаб-қувватлайди, шу орқали ижтимоий-иқтисодий, транспорт ва коммуникация муаммоларига ечим топилади. Асосийси, минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга ҳам катта ҳисса қўшади.

Қулай логистика ҳақида гап кетганда, Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳасини алоҳида қайд этиш зарур. У Осиё Тинч океани ва Хитойдан Қирғизистон ҳамда Ўзбекистон орқали юкларни Европа мамлакатларига ташиниш учун янги халқаро транспорт коридорини яратади, юкларни етказиб бериш вақтини кискарттиради, мамлакатимизнинг транзит салоҳиятини янада оширади. Қирғизистон Президентининг Ўзбекистонга ташрифи давомида эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича Президентимизнинг тегишли

фармойиши билан “Йўл харитаси” тасдиқланди. Унда Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон темир йўли қурилиши лойиҳасини жадаллаштириш белгиланган.

Шу билан бирга, Осиё Тинч океани мамлакатлари – Хитой – Қирғизистон – Ўзбекистон – Туркменистон – Озарбайжон – Грузия – Туркия – Европа халқаро мультимодал коридор йўналишида юк ташувларини ошириш мақсадида 5 мамлакат (жумладан, Ўзбекистон) ўртасида битим имзоланди. Томонларнинг юк ташувларига имтиёزلар тақдим этган ҳолда умумий тариф ставкалари белгиланди. 2020 йилда мазкур битим доирасида Олмалик кон-металлургия комбинатининг 33 минг 480 тонна маҳсулоти Европага экспорт қилинди. Ушбу транспорт коридорининг Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит ташувлари 2021 йилда 1,7 баробар ошиб, 134,7 минг тоннани ташкил этди. Мазкур мультимодал йўналишни ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича имзоланган 5 томонлама ҳужжатга 2021 йилдан Туркия ҳам қўшилди.

Ўзбекистон, Туркменистон, Эрон, Уммон ва Қатар ўртасида имзоланган Ашхобод битими Марказий Осиё мамлакатлари, Форс кўрφαзи ва Уммон портлари ўртасида узлуксиз юкларни ташиниш ва транзит ташувларини амалга ошириш учун ишончли транспорт йўлига яратилишига муҳим асос ҳисобланади. Ўзбекистон – Туркменистон – Эрон – Уммон йўналишида ташувларни ривожлантириш мақсадида Туркменистон ва Эрон ҳудуди орқали юкларимизнинг ташилиши учун 70 фоизгача чегирмалар олинишига эришилди. Натижада Ўзбекистон ва Эрон ўртасида жами халқаро юк ташувлари 3,4 баробар ошиб, 1,08 миллион тоннани ташкил этди. Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасида эса жами халқаро юк ташувлари 1,4 баробар ошди.

### ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ҲУДУДЛАРНИНГ ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Халқаро транспорт коммуникацияси тизимида автотранспорт магистралларининг ҳам ўрни бекиёс. Бугунги кунда республика ҳудудидаги халқаро аҳамиятга эга бўлган умумий фойдаланишдаги 11 та йўналишда автомобиль йўли мавжуд. Уларнинг узунлиги 3 минг 993 километри ташкил қилади. Бу йўлларни замонавий талабларга мослаштириш ва техник имкониятларини ошириш борасида тизимли ишлар қилинмоқда. Жумладан, бугунги кунда узунлиги 1 км 26 километр халқаро аҳамиятдаги автомобиль йўллари техник имкониятлари кенгайтирилиб, замон талаблари асосида 4 тасмал ҳолатда қуриш ва реконструкция қилиш орқали фойдаланишга топширилди.

Лойиҳаларда цементбетон қопламали йўллар қуриш, автомобиллар қайрилиб олиш жойларини ер усти ёки ер остидан ўтказиш, йўл ва кўприклар ҳамда транспорт ечимларини мукамал лойиҳалаш ҳисобида хавфсизлик ва қулайликни оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Президентимизнинг 2020 йил 28 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобида амалга ошириладиган истиқболли лойиҳалар рўйхати ва манзили тасдиқланди. Ушбу дастурга асосан қиймати 661,4 миллион долларлик 6 та лойиҳа (817 километр) амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, келгуси йилларда 1 минг 297 километр узунликдаги йўлларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилиши режалаштирилган 25 та истиқболли лойиҳа белгиланди. Улар доирасидаги бунёдкорлик ишларида 2 770 миллион доллар маблағ йўналтирилиши кўзда тутилган.

Мазкур лойиҳалар юртимизнинг транзит салоҳиятини янада ошириш ҳамда Европа коридорининг республика ҳудудидан ўтишига имконият яратади. Шу билан бирга, Хитой, Россия, Қозоғистон ва Қирғизистонга транзит салоҳиятини ошириш, чегараолди ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, транзит

ташувчиларга қулай шарт-шaroит яратилишига эришилади.

### ТАРАҚҚИЁТ САРИ ИШОНЧЛИ ЙЎЛ

Келгуси йилларда ҳам Ўзбекистонда логистика тизими ривожига алоҳида эътибор қаратилади. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида Жаҳон банкининг “Логистика самарадорлиги” индексида (LPI) Ўзбекистон ўрнини 77-поғонадан паст бўлмаган даражагача кўтариш вазифаси белгилаб берилган. 2030 йилга бориб Ўзбекистон логистик самарадорлиги бўйича энг юқори ўринларда бўлган Германия, Нидерландия, Швеция, Бельгия, Сингапур, Буюк Британия, Япония, Австрия ва АҚШ каби 50 та давлат қаторидан ўрин олиши режа қилинган.

Жаҳон банки томонидан ҳар икки йилда бир марта чоп этиб келинаётган логистика самарадорлиги ҳисоботида эътибор қаратадиган бўлсак, логистика тизимини яхшилаш борасида Ўзбекистонда ижобий тенденция кузатилмоқда. Хусусан, мазкур ҳисоботга кўра, Ўзбекистон 2016 йилда 160 давлат орасида 117-ўринни эгаллаган бўлса, 2018 йилга келиб ўз ўрнини 18 поғонага яхшилади ва 99-ўридан жой олди. Яъни қисқа муддат ичида мамлакатда транспорт инфратузилмаси сифати ошиши, халқаро ташишларни ташкил қилишда қулайлик яратилиши, юкларни кузатиш ва ўз вақтида етказиш даражаси яхшиланиши ҳисобида логистика самарадорлиги кўрсаткичида ўсишга эришилди.

Тараққиёт стратегиясида Транспорт ва логистика хизматларини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш вазифаси ҳам белгиланган. Бунда 18 та катта, 22 та ўрта ва 80 та кичик шаҳар ўртасида транспорт логистикаси тизими ва инфратузилмасини ривожлантириш, ҳудудларда юклар шаклланишининг асосий нукталарини ҳисобга олган ҳолда транспорт логистикаси марказлари тармоғини ташкил этиш, халқаро юк ташишлардаги транспорт ҳужжатларини электрон кўринишга босқичма-босқич ўтказиш, юк ташиш харажатларини 30 фоизгача камайтириш, мавжуд контейнер терминалларини давлат-хусусий шериклик асосида ривожлантириш, темир йўлда контейнер ташишлар улшини камида 2 баробар ошириш каби долзарб вазифалар белгилаб берилган.

### ҲАВО ТРАНСПОРТИ – ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР РИВОЖИДА МУҲИМ ЙЎНАЛИШ

Темир йўл ва автотранспорт билан бир қаторда ҳаво транспорти логистикасини ривожлантириш бўйича ҳам бир қатор вазифалар белгиланмоқда. Жумладан, Самарқанд халқаро аэропортини йирик транспорт хабига айлантириш, бунда маҳаллий йўналишлар бўйича парвозлар сонини ҳафтага 7 тадан 20 тагача, географиясини 4 та йўналишдан 5 тагача ошириш, халқаро йўналишлар бўйича парвозлар сонини ҳафтага 25 тагача, географиясини 4 та йўналишдан 8 тагача ошириш, “очик осмон” режимини жорий этиш ҳисобида 8 та хорижий авиакомпанияни жалб қилиш ва 17 та янги мунтазам халқаро йўналишини йўлга қўйиш режалаштирилган. Шунингдек, Ташкент ва Фарғона водийсида халқаро аэропортларни ривожлантириш чоралари кўрилади.

Халқ демократик партияси аъзолари ўз дастурий мақсадларидан келиб чиқиб, мазкур ислотларни тўлиқ қўллаб-қувватлайди ва уларни амалга ошириш жараёнида фаол иштирок этади. Юртимиздаги ислотлар натижасида иқтисодиётимиз янада юксалади, ташқи иқтисодий алоқалар кенгайди, логистика тизими ривожланади. Бу партияимиз учун принципиал аҳамиятга эга бўлган масалалар самарали ҳал этилиши, жумладан, рақобатбардор маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши, хизматлар кенгайиши, уларнинг ташқи бозорларга чиқиши, пировардида юртимизда қўшимча ва барқарор иш ўринлари яратилиши, аҳоли даромадлари ошишига хизмат қилади.

«Янги Ўзбекистон»,  
11 март, 2022 йил.

## Наврўз айёми. Баҳор байрами.

16-mart, chorshanba, 2022-yil.  
№11 (32705)НУКУСДА  
БОДОМ  
ГУЛЛАДИ...

чикдим. Овулга келгандан сўнг ноннинг обрўси кампирга ўтиб кетди.

Наврўз айёми. Баҳор байрами, деймиз. Доимо баҳор бўлишини, ҳар кунимиз Наврўз бўлишини қўсаймиз. Лекин табиатнинг мўъжизаси шундан иборатки, баҳор уйғониш фасли, инсонлар ҳар хил бўлгани учун, у аввало, ҳар кимнинг кўнглида уйғонади. Оммавий уйғониш учун табиат фаслларни яратиб қўйди.

Деразамнинг олдида бир туп, ўрик оппоқ бўлиб гуллади, — деган машхур шеърни шоир табиатдан олиб, таассуротини қоғозга туширган, сўнг у қўшиққа айланган, биз ҳалиям айтиб юрибмиз, айтаверамиз. Яна бир шоирнинг мен яхши кўрган сатрлари бор эди. «Шамол япроқни тебратар, япроқ шохни тебратар, йигит қизни тебратар... Она бешикни тебратар, бола дунёни тебратар», деган доно гап билан тугайди, бу шеър.

Қорақалпоқларнинг Наврўзи ҳам шундай доно удумлардан пайдо бўлган, назаримда. Табиатдан қорақалпоққа баҳор сал кечикиб келади. Соат санасак, жўғрофий жойлашувига қарасак, Тошкентда ўрик гуллаётган пайтлари, Устюртда ҳали дарахтлар ухлаб ётган бўлади. Наврўз ҳам худди шундай, об-ҳаво шароитига боғлиқ. Наврўз байрам сифатида тарихий удумлардан келиб чиққан. Аммо айнан Наврўз қорақалпоқдан чиққан, деган дарак йўқ. Бироқ унинг уйғониш, кун ва тун тенглашган санада нишонланганидан, эзгу тилак ва ниятлар айёми эканига шубҳа йўқ.

Балки тиллари, қўшиқ, мусикасида фарқ бўлиши мумкин, бироқ илдизи бир халқларнинг удум-дастурлари, байрамлари ҳам бир бўлади. Масалан, қозоқлар Наврўзни қозоқча байрамлайди, сумалакнинг ўрнига гўжа қайнатилади. Бизда эса 21 март қорақалпоқча белгиланади. Сумалаклар қайнатилиб, арғимчоқлар қурилади. Йигитлар қизлар билан арғимчоқ учишади. Халқ байрамни топган-тутгани билан нишонлайверади. Лекин ҳаммага ўртоқ удум — сумалак пишириш. Сумалак қайнатилганда хотин-қизларимиз қозонни қўзғаб туриб, дардларини айтишган. Шоир табиатлилари шеър тўқийди, хушовозлари эса қўшиқ айтишади, ўйнаганлари эса ўйнаб чарчамайди... Кимнинг қандай хунари бор, кўрсатверади.

Бир чеккада «қиттак-қиттак» қиладиганлари ҳам топилиб қолади. Уларнинг сони кескин камайиб борапти. Бу яхши.

Кампирим «етмишга чиқаяпмиз, сиз менинг туғилган кунларимга бирорта гул совға қилмагасиз», дея норозилик билдирди. 3 март кунни, гул кўтариб келган дугоналари мисолида каминани невараларига уялтирди. «Ҳой, кампир, мен ўсиб турган нарсани узиб ёки сотиб олиб совға қилмайман. Мен сенга гулни кўкартириб, ўстириб қўяман», деб тушунтирдим. Туғилган кунда эрталаб дугоналари билан ҳовлидаги бодом томонга бошлаб бордим. Ғуналари очилиб келаётган шохларни кўрсатдим. Қарасам, кампирим кучоғимга кириб кетди. Дугоналари эса «чолингни бизларга ҳам бериб тур», деб талашиб қолишди. Лекин мен кампирим билан қолдим...

**Оразбой АБДУРАҲМОНОВ,**  
**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон**  
**халқ ёзувчиси.**

АЁЛНИНГ МАТОНАТИ, САБРИ ҲАҚИДА КЎП АСАРЛАРДА ЎҚИГАНМИЗ, КИНОЛАРДА КЎРГАНМИЗ. УЛАРНИНГ ҲАЁТИНИ КЎРИБ, «БЎРТТИРИБ» ТАСВИРЛАНГАНМИ, ДЕБ ЎЙЛАЙМИЗ ГОҲИДА. УЛАР АСЛИДА БИЗ БИЛАН ҚЎШНИ, ЁНМА-ЁН ЯШАМОҚДА.

ШУНДАЙ ИНСОНЛАР БОРКИ, ҲАР ҚАНДАЙ СИНОВЛАРНИ БАРДОШ БИЛАН ЕНГИБ, ЯХШИ ЯШАШДАН УМИДИНИ УЗМАЙДИ, ҲАЁТНИНГ ОҒИР СИНОВЛАРИГА «ЛАББАЙ», ДЕБ ЖАВОБ БЕРАДИ, ҲАЛОЛ МЕҲНАТИ БИЛАН БОШҚАЛАРГА ЎРНАК БЎЛАДИ. ҚИЗИЛТЕПА ТУМАНИ, "ПАХТАОБОД" МАҲАЛЛАСИДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛАЁТГАН ГУЛБАҲОР ҚОБИЛОВА ШУЛАРДАН БИРИДИР.

«МЕҲНАТ МЕНИ  
ҲАЁТГА ҚАЙТАРДИ»БИР ОЁГИДАН АЖРАЛИБ ҚОЛГАН ОНА  
ҲИКОЯСИ

Опа Бухоро вилояти, Ғиждувон туманидан Қизилтепага келин бўлиб тушган. 4 нафар қизни тарбиялаб, тикувчилик билан шугулланиб келаётган бу аёлнинг қисматида кўп синовлар бор экан. У 2014 йил мурракб жарроҳлик амалиётини бошидан ўтказди.

— Қизимнинг тўйига саноқли кунлар қолган эди, — дейди Гулбаҳор опа. — Соғлигим ёмонлашди. Ўсимта сабабли бир оёғимдан ажралиб қолдим. Қизимнинг тўйини кўриш насиб қилмаса керак, деб ўйлагандим. Лекин ундай бўлмади. Оллоҳнинг инояти билан ҳозир 4 нафар набиранинг бувисиман. Сабр билан бахтли кунлар учун курашдим. Турмуш ўртоғим, фарзандларим, онам ва яқинларим меҳри билан ҳам-жиҳатликда оғир ташвишларни енгдим, деб ўйлайман. Дарвозадан набираларим «Бувижон, биз келдик», деб киришади. Шу лаҳза бошимдан ўтказган оғир кунларим эсимдан чиқиб кетади. Уларнинг шўх-шодон кулишлари кайфиятимни кўтаради. Раҳматли онам «Қизим, сабрли бўлсанг, бу касалликни, албатта, енгасан, кечаги кунни унут, бахтли кунларга талпиниб яша», деб бот-бот такрорлардилар. Бу гаплар менинг кундалик шиоримга айланган, десам муболага бўлмайди.

Опа қўни-қўшнилари билан жуда иноқ экан. Уларга ҳам ўз касбини ўргатиб, хўнарли бўлишларида хисса қўшаётган экан. Хонадонидан одам сира аримайди.

— Тикувчиликни бувим ва оямдан ўрганганман. Касбимни нафақат қизларимга, қўни-қўшниларга, уларнинг келинларига ҳам ўргатаман. Кўрпа-ёстик, сўзана, куракдан кўрпачалар ва дастурхон тикишни шоғирдларга ўргатаман. Илгари тикиш машинаси эски эди. Турли тикишларда бироз ноқулайлик туғдирарди. Ўтган йил «Аёллар дафтари»га киритилганим боис менга замонавий, сўнгги русумдаги тикиш машинаси берилди. Бундан хурсанд бўлдим. Хўнарим туфайли мен ҳаётга тез қайтдим. Чунки аёллар буюртма олиб келиш баҳонасида мен билан суҳбатлашарди. Бундан энгил бўлардим. Энг асосийси, рўзғорга оз бўлса-да фойдам тегаётганидан хурсандман. Оёғим йўқ деб, тўймаърақадан қолмайман. Одамлар билан суҳбатлашсам, кўнглим таскин топади. Шунинг учун бўлса керак, маҳалла ахлининг йиғинлари менсиз ўтмайди. Кайфиятим йўқ бўлса, шўх қўшиқ қўйиб, ўтирган жойимда рақсга тушиб, хиргойи қиламан. Аёллар орасида «тирикчилик қийин ўтпапти», деган гапларни эшитиб қоламан. Ҳаракат қилган одам қуруқ қўл билан қолмас экан. Бунинг ўз ҳаётим мисолида кўрдим. Турмуш ўртоғим ва фарзандларимнинг қўллаб-қувватлаётгани менга умид ва ишонч бағишламоқда.

**Хуршида НАРЗИЕВА,**  
**Ўзбекистон ХДП Навоий**  
**вилоят кенгаши сектор**  
**мудир.**



Мен анчадан буён овулга келмаган эдим. Февраль охирларида Дўрмондаги ҳовлимизда бодом гулларидан завқланиб, йўлга тушдик. Жанубий вокзалдан соат 2 да поезд кўзгалди. Таниш йўллар, таниш манзаралар. Шимолга йўлга тушсангиз, худди баҳор билан қўшила сафар чеккандай бўласиз. Дўрмоннинг ям-яшил манзарасига ўрганган кўз, йўл-йўлакай уйқусидан энди уйғонаётган гўзал табиатни уялтирмайсиз, деб вагон деразасининг пардаларини ёпиб қўйдим...

Кечга яқин поезд бир жойда узокроқ тўхтади. — «Қаерга келдик?» — десам, кампир — «Самарқанд», — деди.

— Ўқиган жойингдан болаларга бир-иккита нон олсангчи, — десам, «Тошкент нонидан олдим-ку» деб, кампир кўнмади. Ўзим тушиб, вагон тўхтаган жойдан иккита нон олиб

Лавозимда ишлаш тартиби — иш режими: 5/2 соат 8:30 дан 17:30 гача. Ойлик маоши штатлар жадалига кўра.

Изоҳ: танловда юқори малакали чет эл менежерлари иштирок этишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳар, Бектемир тумани, Фарғона йўли кўчаси, бозор майдони, тел: (71) 295-94-36

Эл.почта манзили: info@kuylyuk-bozori.uz

Жамият веб сайты: www.kuylyuk-bozori.uz

Ҳужжатларни қабул қилиш мuddати: 21.03.2022 йилгача

## ЭЪЛОН

## «Қўйлиқ деҳқон бозори» акциядорлик жамияти директори лавозимига танлов эълон қилинади

Лавозим — директор, Маълумотга бўлган талаб — олий. Квалификация талаблари — соҳа бўйича раҳбарлик лавозимларида ишлаш тажрибаси камида 3 ой;

- акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув тамойилларини билиши;
- сотувчи ва харидорларга хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш;
- иқтисодий ривожланиш режаларини тузиш ва уни амалга оширишни билиши;
- соҳага ва тадбиркорликка доир қўнчиликни билиши.

## «Qo'lyliq dehqon bozori»

## акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Qo'lyliq dehqon bozori» АЖ Қузатув кенгаши 2022 йил 7 апрель кун соат 12:00да акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Умумий йиғилиш жамият маъмурий биносида ўтади.

Манзил: 100080, Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Фарғона йўли кўчаси, бозор майдони. Эл.почта манзили: info@kuylyuk-bozori.uz

Акциядорларни рўйхатга олиш соат 11:00 дан 12:00 гача амалга оширилади. Акциядорлар навбатдаги умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида хабар қилиш учун жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 10 март.

Акциядорлар навбатдаги умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестрини шакллантириш санаси 2022 йил 7 апрель.

## КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг ижроия органи ва қузатув кенгашининг йиллик ҳисоботини, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш.
2. Жамиятнинг 2021 йил молиявий-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик ташкилотининг МБХС бўйича аудиторлик ҳулосасини кўриб чиқиш.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар,

шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳулосалари.

4. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботини тасдиқлаш.

5. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича фойда ва зарарлари ҳисоб варагини тасдиқлаш, унинг фойдасини тақсимлаш.

6. Жамиятнинг 2022 йилга мўлжалланган Бизнес-режасини, ҳамда "Даромадлар ва харажатлар сметаси режаси"ни тасдиқлаш.

7. Жамиятнинг директорини сайлаш.

8. Жамиятнинг Қузатув кенгашини сайлаш.

9. Жамиятнинг Тафтиш комиссиясини сайлаш.

10. Жамиятда ўтказилган Корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш.

11. Жамиятнинг 2022 йил фаолияти учун жамият аудиторини тасдиқлаш ва унга тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдори чегарасини белгилаш.

12. Жамиятнинг ташкилий тузилмасига ўзгартириш киритиш ва қайта тасдиқлаш.

13. Жамият Устав капиталини камайитириш.

14. Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битимни маъқуллаш.

15. Жамиятнинг акция чиқарилуви тўғрисидаги қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда ўзгартиришлар матнини тасдиқлаш.

16. Жамиятнинг янги тахрирдаги Уставини тасдиқлаш.

## «Qo'lyliq dehqon bozori» акциядорлик жамиятининг

## 2021 йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари

(минг сўм)

№	Актив	Сумма	Пассив	Сумма
1.	Асосий воситалар қолдиғи	7525531,7	Устав капитали	1394998,8
2.	Узоқ муддатли инвестиция	421538,3	Захира капитали	7400785,2
3.	Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар	-	Тақсимланмаган фойда, зарар	3871966,0
4.	Капитал қуйилмалар	-	Мақсадли тушумлар	-
5.	Товар-моддий захиралар	57098,0	Кўшимча капитал	79974,9
6.	Кечиктирилган харажатлар	-	Бюджет бўйича қарзлар	396326,9
7.	Пул маблағлари	1748106,4	Меҳнатга ҳақ тўлаш қарзи	5055,0
8.	Дебиторлар жами	3601632,6	Бюджетдан ташқари қарзлар	-
9.	Бошқа жорий активлар	600,0	Бошқа кредиторлик қарзлар	205400,2
	Актив бўйича жами	13354507,0	Пассив бўйича жами	13354507,0

Молиявий натижалар:

(минг сўм)

Кўрсаткичлар номи	Ўтган йилнинг шу даврида		Ҳисобот даврида	
	Даромадлар	Харажатлар	Даромадлар	Харажатлар
Махсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишдан тушган соф тушум	9673466,7	x	14092027,0	x
Сотилган махсулот (товар, иш ва хизмат)ларнинг таннархи	x	-	x	-
Махсулот (товар, иш ва хизмат)ларни сотишнинг ялпи фойдаси (зарари)	-	-	-	-
Давр харажатлари жами	x	7431818,4,4	x	9335474,0
Асосий фаолиятнинг фойдаси (зарари)	-	-	-	-
Молиявий фаолиятнинг даромадлари жами	7621,0	x	102277,0	x
Умумхўжалик фаолиятнинг фойдаси (зарари)	-	-	-	-
Даромад (фойда) солиғини тўлангунга қадар фойда (зарар)	2249269,3	-	4858830,0	-
Даромад (фойда) солиғи	x	518648,8	x	986864,0
Бошқа солиқлар	x	-	x	-
Ҳисобот даврининг соф фойдаси (зарари)	1730620,5	-	3871966,0	-

Ижобий аудиторлик ҳулоса.

2021 йил якуни бўйича «BALANS-INFORM-AUDIT» МЧЖ томонидан 2022 йил 04 мартда ҳулоса берилган. Лицензия рақами: 00789, берилган санаси: 05.04.2019й. Аудитор А.З.Салимов, сертификат № 05108, санаси: 15.06.2013й.

Ҳулоса: фикримизча, хўжалик юритувчи субъект «Qo'lyliq dehqon bozori» АЖнинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий аҳолини ҳаққоний акс эттиради ва мазкур хўжалик юритувчи субъект амалга оширган молия-хўжалик операциялари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ келади.

Ушбу эълондаги маълумотлар бўйича эълон берувчи масъулдир.

Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институтини жамоаси гуманитар фанлар ва чет тиллари кафедраси доценти Файзулла Толиповга отаси

**САИДУРОД** отанинг вафоти сабабли чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎзХДП Андижон вилоят ва Қўрғонтепа туман кенгашлари Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи, партия фахрийси

**Маликжон ҚОСИМОВ**нинг вафоти сабабли унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

## «XORAZM HUDUDIY ELEKTR TARMOQLARI» акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни яшариш ва янгиланиш айёми —

**НАВРЎЗИ** олам билан табриклайди!

Азал-азалдан эзгулик, миллий қадриятларимиз  
рамзи бўлган бу айём юртимизга тўкинлик,  
хонадонларимизга бахт ва омад олиб келсин!

Xorazm viloyati

## «QURILISH SOHASIDAGI HUDUDIY NAZORAT INSPEKSIYASI» жамоаси

юртдошларимизни **НАВРЎЗИ**  
олам билан самимий табриклайди!  
Эзгу ниятлар билан бошлаган  
ҳар бир ишингиз хайрли бўлсин.



## «САЛОР ТЕМИР ЙЎЛ МАСОФАСИ» ЖАМОАСИ

юртдошларимизни гўзаллик ва уйғониш  
байрами – Наврўзи олам билан қутлайди.

Сиз, азизларга шундай шодисёна  
кунларда тинчлик-хотиржамлик,  
сиҳат-саломатлик тилайди.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ «ЭЛЕКТРОМАГНИТ МОСЛАШУВ МАРКАЗИ» ДАВЛАТ УНИТАР КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ



барча юртдошларимизни, ҳамкасбларни  
Наврўзи олам билан табриқлайди!  
Баҳор айёми барчангизга қувонч ва шодлик бахш  
этсин, хонадонларингиздан тотувлик ва  
тўкин-сочинлик аримасин.

Фурсатдан фойдаланиб, радиоэлектрон алоқа  
воситаларини республика ҳудудига олиб кириш  
учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда  
рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари  
бўйича «Электрмагнит мослашув маркази» ва  
унинг вилоят бўлиналарига мурожаат қилиш  
лозимлигини эслатамиз.

### Бизнинг манзиллар:

**Тошкент шаҳри**, Фарғона йўли кўчаси, 15-уй,  
телефон: (71) 202-61-69.

**Андижон шаҳри**, Истиклол кўчаси, 33-уй,  
телефон: (71) 230-64-65.

**Бухоро шаҳри**, академик И. Мўминов кўчаси,  
2-уй, телефон: (71) 230-64-66.

**Жиззах шаҳри**, Ш.Рашидов кўчаси, 46-уй,  
телефон: (71) 230-64-68.

**Нукус шаҳри**, Ерназар Алакўз кўчаси,  
ШАТС биноси, телефон: (71) 230-64-75.

**Қарши шаҳри**, Мустақиллик кўчаси, 21-уй,  
телефон: (71) 230-64-78.

**Навой шаҳри**, Амир Темур кўчаси, 4-уй,  
телефон: (71) 230-64-69.

**Наманган шаҳри**, Марғилон кўчаси, 8-«А» уй,  
2-корпус, 54-хона,  
телефон: (71) 230-64-72.

**Самарқанд шаҳри**, Сельский, Колбоғ, Радио  
шаҳарча, телефон: (71) 230-64-80.

**Термиз шаҳри**, Ат-Термизий кўчаси, 28-уй,  
телефон: (71) 230-64-79.

**Гулистон шаҳри**, Мустақиллик кўчаси, 54-уй,  
телефон: (71) 230-64-67.

**Фарғона шаҳри**, Б.Марғилоний кўчаси, 30-уй,  
телефон: (71) 230-64-74.

**Урганч шаҳри**, Ал-Хоразмий кўчаси, 108-уй,  
23-хона, телефон: (71) 230-64-77.

# МУРОЖААТЛАР ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

«Hududgaz Xorazm» газ таъминоти филиали томонидан 2022 йилнинг бугунги кунига қадар жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлашни тизимли асосда олиб бориш, туман-шаҳар газ таъминоти бўлимларида олиб борилмаётган ишларни мунтазам ўрганиб бориш, уларга амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш, мурожаатларни келтириб чиқараётган сабаб ҳамда омилларни таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш бўйича муайян ишлар амалга оширилди.

2022 йилнинг 15 март ҳолатига кўра, «Hududgaz Xorazm» газ таъминоти филиалига жисмоний ва юридик шахслардан жами 414 та мурожаат келиб тушган. Шундан 276 таси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхонаси орқали, 100 таси бевосита «Hududgaz Xorazm» газ таъминоти филиали ва унинг бўлимларига, 34 таси «Hududgazta'minot» АЖ бошқарув раиси виртуал қабулхонаси орқали, 4 таси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тадбиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш қабулхонаси орқали келиб тушган.

Бевосита «Hududgaz Xorazm» газ таъминоти филиалига тушган 100 та мурожаатнинг кўриб чиқилиши тўлиқ назоратга олиниб, 57 таси қаноатлантирилган, 32 таси бўйича муаллифларга тушунтиришлар берилган, 11 таси ўрганиш жараёнида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали тушган 276 та мурожаатни кўриб чиқиш тўлиқ назоратга олиниб, 204 таси қаноатлантирилган, 44 таси бўйича муаллифларга тушунтиришлар берилган, 28 таси ўрганиш жараёнида.

Шунингдек, «Ишонч телефонлари» фаолияти устидан доимий мониторинг амалга оширилиб, улар орқали мурожаат қилаётган фуқаролар билан суҳбат жараёнида масъул ходимларнинг ўта хушмуомалалик, сабр ва холис муносабатда бўлишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги кунда аҳоли хонадонларига электрон газ ҳисоблагичлар ўрнатилаётган бўлиб, ушбу ЭГХУ қарздорлик юзага келганда автоматик тарзда газ тармоғидан ажратилади. Аҳолига енгиллик туғдириш мақсадида «Hududgaz Xorazm» газ таъминоти филиалида «1104» қисқа рақамли телефони ишга туширилган бўлиб, қарздорлик юзасидан газ тармоғидан ажратилган ва ЭГХУси блокляниб қолган хонадонларни дастурдан очиб берилиши йўлга қўйилган.

Бугунги кунда «Hududgaz Xorazm» газ таъминоти филиали тизимида аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш ва мурожаатлар билан ишлашда очиклик ҳамда шаффофликни янада кенгрок таъминлаш мақсадида вилоятнинг олис ҳудудларида сайёр ва оммавий қабуллар белгиланган режа асосида доимий ташкил этилмоқда.


**Мухтор МАДРАҲИМОВ,  
Назорат ва мурожаатлар  
билан ишлаш бўлими бошлиғи.**



## «HUDUDGAZ XORAZM» GAZ TA'MINOTI FILIALI акциядорлик жамияти жамоаси

халқимизни нафосат ва гўзаллик айёми —  
НАВРЎЗИ олам билан муборакбод этади!  
Эзгу тилаклар, меҳр-муҳаббат, яшариш ва  
янгилашиш фасли бўлмиш бу айём  
барчамизга муборак бўлсин.





## «МИКРОКРЕДИТБАНК»

### акциядорлик тижорат банки жамоаси

мижозларини, ҳамкорларини, умуман, бутун юрдошларимизни  
янгилашни ва ёшаришни айёми — Наврўз байрами билан  
муборакбод этади!



“Микрокредитбанк” байрам муносабати билан Сизларга янги  
“УНИВЕРСАЛ” омонат турини таклиф қилади.

“УНИВЕРСАЛ” омонатига 24 ой муддатга пул қўйиб, йиллик  
21 фоиздан даромад кўринг.

“МКВ mobile” мобиль илова орқали йиллик 22 фоизда жой-  
лаш мумкин.

**БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН, АЗИЗ ВАТАНДОШЛАР!**

Хизматлар лицензияланган.



**TILLO DOMOR**

## «TILLO DOMOR» хусусий корхонаси жамоаси

барча юрдошларимизни янгилашни, ашаришни ва  
гўзаллик байрами — Наврўзи олам билан қутлайди.  
Нафосат байрами халқимиз учун янада омадди  
ва қувочли воқеаларга бой бўлсин!

Маҳсулотлар сертифициланган.

## O'zbekiston ovozi

МУАССИС:



O'ZBEKISTON  
XALQ DEMOKRATIK  
PARTIYASI  
MARKAZIY KENGASHI

TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV  
Ulug'bek VAFOYEV  
Maqsuda VORISOVA  
Qalandar ABDURAHMONOV  
Guliston ANNAQILICHEVA  
Muslihiiddin MUHIDDINOV  
Hayotxon ORTIQBOYEVA  
Shuhrat ISLOMOV  
Toshtemir XUDOYQULOV

Бosh muharrir: То'лқин ТО'РАХОНОВ

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko'chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67.

E-mail: uzbovozi@mail.ru

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida  
0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 341. 2336 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633



9 772010 763008

O'ZA yakuni — 23:05.

Topshirilgan vaqti — 01:40.

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda